

ДАМХЎЖА ГИДРОУЗЕЛИНИНГ ҚОРАДАРЁ СУВ РЕЖИМИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАҲОЛАШ

Валиева Ш. (Самарканд)

Ушбу мақолада Зарафшон дарёсининг иккита қисмга яъни Қорадарё ва Оқдарёга бўлингандан сўнг асосий сув сарфи Қорадарё қисмига тўғри келиши. Қорадарёнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқариш мақсадида йирик гидрологик иншоот - Дамхўжа гидроузели ҳақида фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Зарафшон дарёси ҳавзасида дарё сувидан унумли фойдаланиш мақсадларини кўзлаб гидроузеллар ва сув омборлари қурилган. Зарафшон дарёси Ўзбекистон ҳудудида дастлаб Равотхўжа гидроузели, сўнг Оқ-Қорадарё гидроузели қурилган. Зарафшон дарёсининг иккита қисмга яъни Қорадарё ва Оқдарёга бўлингандан сўнг асосий сув сарфи Қорадарё қисмига тўғри келди. Қорадарёнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқариш мақсадида йирик гидрологик иншоот - Дамхўжа гидроузели қурилди. Дамхўжа гидроузели 1955-1956 йилларда қурилган ва 1956 йилдан бошлаб фойдаланишга топширилди. Гидроузелнинг паспортида унинг конструкцияси 3- классли очик ва тўсиқли темир-бетонли, Фарғона типига мансублиги айтилади. Гидроузел чапқирғоқ ва ўнгқирғоқ сувини тутиб турувчи тўғонлардан иборат бўлиб, асосий тўғоннинг давоми сифати қурилганлигини кўриш мумкин. Тўғонлар маҳаллий грунт қатламдан бунёд қилинган. Асосий тўғон 6 та 7 метрлик сув ўтказувчи йўлақларни ҳосил қилади ва ҳар бир йўлак 7,1 X 3,7 ўлчамли ғилдиракли тўсиқлар билан жиҳозланган. Мазкур вертикал функцияли тўсиқлар электр энергияси ёрдамида ҳаракатлантиришга мослаштирилган. Гидроузелнинг максимал сув сарфи 560 м³/сек га тенг бўлиб, тезлик 3,5 м/сек гача боради. Сувни қабул қилиш, тарқатиш тизими анча мураккаб бўлиб, чап қирғоқда (Каттакўрғон, Дам-Ариқ магистрал каналлари) ва ўнг қирғоқда (Миёнқол-Хатирчи) сувни тақсимлаш учун тармоқлар шакллантирилган. Гидроузелда оқизиклар тўпланишга қарши махсус система (запань) қўлланилади.

Барча тақсимлагичлар тўсиқли тўғонга чап тамондан бошлаб кетма-кет жойлаштирилган бўлиб, дастлаб Каттакўрғон сув омбори сўнг Дам - ариқ ва охирида айланиб ўтувчи тизим билан Миёнқол-Хатирчи каналлари сув билан таъминланади. Гидроузелга сув ости оқизиклари тўпланмаслиги учун "Г" шаклидаги 2,0 метрли устунлар ўрнатилган. Гидроиншоотнинг сув тақсимлаш қисмларини таҳлил қиламиз (1-расм) .

Каттакўрғон сув омборига кириш канали тах 100м³/с сув сарфига эга бўлиб, 2 та сув ўтказувчи 3,5 метрли йўлақларни ҳосил қилади. Бу ерда ҳам ғилдиракли вертикал тўсиқлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг ўлчамлари 3,59X 5,5м ни ташкил қилади.

Дам - ариқ (Нарпай) магистрал канали тах 56 м³/сек сув сарфига мўлжалланган бўлиб, 2 та сув ўтказувчи йўлак қурилган. Бу ерда ҳам

юқоридаги каби уларнинг кенглиги 3,5 метрли ва ғилдиракли вертикал тўсиқлар билан жиҳозланган.

Миёнқол-Хатирчи канали бошқалардан фарқ қилган ҳолда кувурсимон ўтказиш тизимига эга бўлиб, унинг сув ўтказиш сифими тах 54 м³/сек га тенг. Бу тизимда ҳам йўлаклар очик типда бўлиб, текис юзали ғилдиракли тўсиқлар билан бошқарилади.

Иншоотнинг бош яъни Қорадарёга сув ташлаш тўғонининг устидан автомобиллар ўтишига имкон берадиган йўл қурилган. Ҳар бир каналнинг бошқариш (регулятор) қисмида ходимлар учун махсус кўприклар мавжуд.

Зарафшон дарёси сувидан оптимал фойдаланишда Дамхўжа гидроузелининг аҳамияти жуда катта. Бунда сувнинг вегетациядавридан ташқари мавсумда сувни тўплаш учун хавзадаги энг йирик Каттакўрғон сув омборига сувнинг узатилиши айнан шу иншоотга тўғри келади. Навоий ва Бухоро вилоятларини сув билан таъминлашда гидроузелдан бошланадиган магистрал каналлардан бири Миёнқол-Хатирчининг аҳамияти катта. Дамарик (Нарпай) магистрал канали эса Каттакўрғон, Нарпай ва Пахтачи туманларини сув билан таъминлашда иштирок этади.

Зарафшон дарёси тўлинсув ва тошқин сув даврида муаллақ ва юза оқизиклари кўп бўлишини кўриш мумкин. Бу даврда асосий муаммолардан бири оқизикларнинг тўпланишидир. Дамхўжа иншоотининг мукамал қурилганлиги муаллақ ва юза оқизикларнинг катта миқдорда тўпланишига йўл қўймайди. Ҳар 5 йилда олиб бориладиган кузатишлар шуни кўрсатадики, гидроузелнинг ҳолати қониқарли даражада.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қилиниши зарур бўлган бир неча вазифалар ҳам мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Гидроузелнинг бугунги ҳолатдаги аниқ сув ўтказиш қийматини аниқлаш;
2. Иншоотнинг лойиҳа бўйича ҳужжатлари, яъни ҳар бир ўтказиш тизимининг кўндаланг қирқимлари ва уларни изоҳлайдиган матнлар йўқлигини инобатга олиб мазкур ҳужжатларни тиклаш;
3. Тўпланган тажриба асосида иншоотдан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
4. Бошқаришни оссонлаштириш мақсадида замонавий БЎА(Бошқарув ўлчов аппарати) ни жорий қилиш;
5. Фавқулодда вазиятларда қилинадиган ишлар бўйича кўникмани шакллантириш.

Геодезия, картография ва кадастр соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2014. –Б. 156-157